

ББК
81.2 Англ
П 21

А. Парпиев

ENGLISH

Олий ўқув
юртларига
кирувчилар
учун
қўлланма


15925

16 213
ББК 81.2 Англ
П 21
А. ПАРПИЕВ

ENGLISH

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА
ҚИРУВЧИЛАР УЧУН
ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ССР Маориф ва маданият
министрлиги
таълиқлаган



ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1987

Тақризчи: О. М. Мўминов, филология фанлари кандидати, Ф. Энгельс
номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг доценти.
Махсус редактор: Б. А. Содиқов, Ф. Энгельс номли Тошкент Дав-
лат чет тиллар педагогика институтининг методисти.

СЎЗ БОШИ

Олий ўқув юртларига кирувчиларга мўлжалланган мазкур ўқув қўлланма мактабда эгалланган билим, кўникма ва малакаларга таянган ҳолда мустақил фойдаланишни назарда тутди.

Қўлланма икки бўлим ва иловадан ташкил топиб, биринчи бўлимнинг 5 дарси мактабда эгалланган фонетика, лексика ва грамматика материаллари асосида қурилган нутқни ўстирувчи суҳбат темаларини ўз ичига олади. Бу бўлим дарсларида ўзлаштириш тавсия этиладиган фонетика ва грамматика материаллари жадвалларда, грамматика материаллари эса ўзбек тили грамматикасига қиёслаб берилган. Ҳар бир дарсда ўтилган материалларни мустаҳкамлаш учун керакли машқлар берилган.

Иккинчи бўлим ўзлаштирилиши лозим бўлган лексик материални, шу лексик материал ёрдамида шу дарсда ўрганиладиган грамматика ҳодисаси заминида тузилган текст, диалог ва машқларни ўз ичига олади.

Қўлланма материалларини қуйидаги тартибда ўзлаштириш тавсия қилинади.

Биринчи бўлим дарсларини ўрганишда, аввал, инглиз унли ва ундошлари талаффузининг ўзига хос хусусиятлари, урғу ва интонация, ҳарф бирикмаларининг ўқилиши ўзлаштирилиши лозим. Бу абитуриентни дарс тексти ҳамда диалогини мустақил ўқиб ўрганишга тайёрлайди. Ҳар бир дарс оғзаки ва ёзма бажарилиши лозим бўлган машқлар билан якунланади.

Иккинчи бўлим дарсларини ўзлаштириш ушбу дарслар лексик материаллари устида ишлашдан бошланади. Бу абитуриентнинг лугат бойлигини ошириш билан бирга уни дарс тексти ва диалогини ўзлаштиришга тайёрлайди. Лексик материални ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, уларни нутқда қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилишда намунадан фойдаланиб машқлар бажариш қўл келади. Лексик материал ўзлаштирилиб, маълум кўникма ва малака ҳосил қилингач, грамматика материаллари устида ишлашга ўтилади.

Дарснинг грамматика материаллари инглиз тилининг морфология ва синтаксис структураси, мактаб программаси материаллари асосида ўқитишнинг дидактик принципларига амал қилинган ҳолда берилган.

Грамматика машқлари, яъни форма ясаш, инглизча ва ўзбекча эквивалентларни топиш, нуқталар ўрнини тўлдириш, намунадан

фойдаланиб саволларга жавоблар бериш, саволлар тузиш, грамматика қоидалари асосида гаплар тузиш, ўз билимини синаш учун таржималар қилиш ва шу кабиларни ўз ичига олади. Абитуриент лексика — грамматика материалларини ўзлаштирганидан сўнг тексни равон ўқиш, уни тушуниш, таржима қилиш ҳамда уларни оғзаки нутқда эркин қўллай олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳар бир дарснинг тексти ва диалоги оғзаки нутқ — суҳбат темасига бағишланган бўлиб, улар тил материаллари (фонетика, лексика ва грамматика) ўзлаштирилгандан сўнг ўқилади. Дарс текстини ўзлаштиришда тексни такрор ўқиш, унинг маъносини англаш, зарур бўлса таржима қилиш, текстга берилган саволларга жавоб қайтариш тавсия қилинади. Дарснинг диалоги ёд олинishi мақсадга мувофиқдир.

LESSON ONE

THE FIRST LESSON

Товуш ва ҳарф

Табиатда икки хил товуш, яъни табиий ва механик товушлар мавжуддир. Табиий товуш бу инсон нутқи ва ҳайвонот оламига тааллуқли бўлса, механик товуш икки нарсанинг бир-бирига урилиши ёки ишқаланиши натижасида ҳосил бўладиган товушдир.

Нутқ товушлари талаффуз этилади ва эшитилади. Талаффуз этилган ва эшитилган товушлар ёзувда маълум шакл, ҳарфлар билан белгиланади.

Жонли тилда нутқ икки хил — **оғзаки** ва **ёзма** формада мавжуд бўлади. Оғзаки нутқ товушлардан таркиб топади. Товушлардан эса сўз ва грамматик формалар вужудга келади. Сўзнинг маъноларини ифодалаш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган тилдаги товуш системасининг бўлинмайдиган энг кичик функционал бирлиги фонема дейилади.

Сўздаги фонеманинг бирортаси ўзгариши билан сўзнинг маъноси ҳам, формаси ҳам ўзгаради: not — hot; like — lake; қўл — қўл; қўл — қўл. Ҳар бир тилнинг ўзига хос фонемалар системаси бор бўлиб, бир тилда мавжуд бўлган фонема бошқа тилда учрамаслиги мумкин, масалан: [f], [ç] фонемалари инглиз тилида йўқ, [ð], [θ] фонемалари эса ўзбек тилида мавжуд эмас.

Тилнинг товуш системасини ёзувда тўғри кўрсатиш учун қўлланадиган махсус белгилар фонетик белгилар дейилади. Ҳар бир фонетик белги маълум бир фонемани ифода этади. Фонетик белгилардан иборат бўлган ёзув фонетик транскрипция дейилади.

Транскрипциядаги белгилар бир-бири билан боғланмай, кичик ҳарфлар билан ёзилади: rep [rep], book [buk], олма [ɔlmə].

Инглиз тили алфавитида, жами 26 ҳарф бўлиб, уларнинг 6 таси унли, 20 таси ундош ҳарфлардир. 6 унли ҳарф 20 фонемани, 20 ундош ҳарф эса 24 фонемани ташкил этади. Унли ҳарфнинг қандай фонемани ифодалашини у қайси бўғинда келишига боғлиқдир.

Инглиз тилида бўғинларнинг тўрт тури мавжуддир.

Ҳарфлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра унли ва ундош ҳарфла бўлинади.

Ҳар бир тилдаги товуш ва ҳарфлар шу тилга хос бўлган талаффуз ва ўқилиш қонун-қондасига эгадир. Масалан, инглиз тилид

товушлар ўзбек тили товушларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Инглиз унли товушлари ўзбек унли товушларидан қисқа ва чўзиқ талаффуз этилиши билан фарқланади. Инглиз тилида унли товушларнинг қисқа ёки чўзиқ талаффуз қилиниши сўз маъносини ўзгартиради, масалан: it [it] у; eat [i:t] — емоқ.

2. Инглиз ундош товушлари ўзбек ундош товушларидан фарқли ўлароқ ҳеч қачон юмшатиб талаффуз этилмайди.

3. Инглиз жарангли ундошлари сўз охирида жарангсизлашмайди, масалан: bed [bed]. Ўзбек тилида эса ундош товуш сўз охирида жарангсизлашиши мумкин: китоб — (китоп).

Инглиз тили унлилари (a, e, i, o, u, y) қайси бўғинда келишига кўра ҳар хил талаффуз этилади.

Унли ҳарфлар ёпиқ бўғинда (г ҳарфидан бошқа ҳар қандай ундош ҳарф билан тугаган бўғинда) қисқа талаффуз қилинади.

a — cat [kæt]

e — met [met]

i — sit [sit]

y — gyps [dʒɪps]

o — not [nɒt]

u — but [bʌt]

Урғу ва интонация

Сўздаги бўғинлардан бирининг бошқасидан кучлироқ айтилиши урғу дейилади. Сўзнинг урғу тушган бўғини урғули бўғин, урғу тушмаган бўғини эса урғусиз бўғин дейилади, масалан: a pencil сўзида [ˈpen] урғули бўғин, [sl] урғусиз бўғиндир.

Ҳап турларининг интонацияси графикада қуйидаги белгилар, яъни урғули бўғин — чизиқча (—), урғусиз бўғин нуқта (.), овознинг пасайиши пастга йўналган стрелка (↘), овознинг кўтарилиши юқорига йўналган стрелка (↗) билан ифода этилади:

ˈKarim is a ˈstudent

ˈIs Karim a ˈstudent?

ˈKarim is a ˈstudent?

Эслатма. Унли ҳарфларнинг турли хил ўқилиши уларнинг турли бўғинларда келишидан ташқари урғули ёки урғусиз бўғинларда келишига ҳам боғлиқ.

ФОНЕТИКА

Аа, Ее, Ii, Уу, Оо ва Uu унли ҳарфларининг ёпиқ бўғинда [æ], [e], [ɪ], [ɔ], [ʌ]; очик бўғинда эса [eɪ], [i:], [aɪ], [oʊ], [ju:, u:] тарзида ўқилиши.

1-жадвал

Aa [æ] [et]		Ee [e] [i:]		Ii Yu [ɪ] [aɪ]	
ёпиқ бўғин	очиқ бўғин	ёпиқ бўғин	очиқ бўғин	ёпиқ бўғин	очиқ бўғин
man can bag	made name table	bed men pen	be me Pete	pin tin system	time five my

Ўқиш учун сўзлар

plan, make, sad lake, van, fate lamp, late, bad take, fat, apple	bet, mete, left, he best, eve, let, bed met, bent, kept me, desk, led.	sin, style, size fit, in, like myself, gyps, by dig, mill, ill
---	---	---

2-жадвал

Oo [ɔ] [ou]		Uu [ʌ] [ju:], [u:]	
ёпиқ бўғинда	очиқ бўғинда	ёпиқ бўғинда	очиқ бўғинда
pot, not dog, hot stop, dot	no, go, home stone, vote spoke, sofa	[ʌ] up, but, bus nut, cut, run	[ju:] use, pupil student, unit [u:] blue, june, true

Ўқиш учун сўзлар

note, lox, vote, top, hot, hope, so, no, open, got, job, nose, zone, lot, on, joke	dun, due, dug, Cuba, dupe, tube, tune, nut, but, full, hut, dust, pussy, fulfil, must, student
--	---

ФОНЕТИКА

1. Cc, Gg, Ss ундош ҳарфларининг [s] [k], [g], [dʒ], [s], [z] тарзида ва Yy унли ҳарфининг [j], [ɪ] тарзида ўқилиши.

2. th, ck ундош ҳарф бирикмаларининг [θ], [ð] [k] тарзида ҳамда a, e, i, o унлиларининг қўш ундошлар (ll, ss, dd, nd, ld, st) олдида ўқилиши.

3. ee, ea ва oo ҳарф бирикмаларининг [i:] ва [u], [u:] тарзида ўқилиши.

3-жадвал

c, g ҳарфлари e, i, y унлиларидан олдин [s], [dʒ] деб ўқилади.		c, g ҳарфлари a, o, u унлилари ва ундошдан олдин [k], [g] деб ўқилади.	
[s]	[dʒ]	[k]	[g]
cent	gem	can	gup
nice	gin	cat	got
pencil	page	cut	gun
cyst	gym	fact	glad

Ўқиш учун сўзлар

cat, cap, face, cell, city, clap, mice, cyme, club, cry, cycle, public, cape, came, ice, rice, pencil	big, age, got, gyps, glim, go, gymnastic, gave, gipsy, gun
Эслатма: g ҳарфи айрим сўзларда юмшоқ унли ҳарфдан олдин қоидадан мустасно: [g] тарзда ўқилади: get, give, gift, gild, begin	

4-жадвал

s ҳарфи сўз бошида, жарангсиз ундошдан олдин ва кейин ҳамда иккиланиб келса [s] деб ўқилади: sad, sam, cats, stops, ass, mass, test	s ҳарфи унлидан, жарангли ундошдан кейин ва икки унли ўртасида [z] деб ўқилади: is, has, beds, pens, gas, busy	y ҳарфи сўз бошида доимо [j] ўқилади: yes, yet, yak, yell, yen, yeek	y ҳарфи сўз охирида доимо [ɪ] ўқилади: lady, fancy, fifty, silly
---	--	--	--

Ўқиш учун сўзлар

sends, stones, lets, sets, has, his, notes, sat, plans, ties, spends, tables, desks, rest	yap, yell, nelly, happy, twenty, sixty, yet, Billy, very, only
---	--

5-жадвал

th	ck [k]
[θ] thin cloth tenth fifth	[ð] this that with these thick, black, lack, kick, pick, luck

Ўқиш учун сўзлар

myth, smith, those, then, depth, thus, thin	nick, stick, back, sick, sack, lack
---	-------------------------------------

6-жадвал

а, е, і унлилари қўш ундош (ll, ss, dd) лардан олдин ёпиқ бўғин қондасига биноан [æ], [e], [ɪ] деб ўқилади: lass, mass, mess, bell, add, spell, sell, till, kiss, mill	и, о унлилари қўш ундош nd, ld (st) лардан олдин очиқ бўғин қондасига биноан [aɪ], [oʊ] деб ўқилади: kind, mild, bind, find, old, bold, told, gold, post, most
---	---

7-жадвал

е, еа ҳарф бирикмалари [i:] деб ўқилади: need, sleep, meet, east, feet, deed, leave, east, keep, neat	оо ҳарф бирикмаси k, t жарангсиз ундошларидан олдин [u] деб ўқилади. foot, took, hook, soot, book, look	оо ҳарф бирикмаси жарангли ундошлардан олдин ва бошқа ҳолларда [u:] деб ўқилади: tool, soon, spoon, too, zoo, moon
еа ҳарф бирикмаси айрим сўзларда қонддан мустасно тарзда [e] деб ўқилади: bread, dead, death, head, ready, breath, heavy.	оо ҳарф бирикмаси айрим сўзларда жарангли ундошдан олдин келса ҳам қонддан мустасно тарзда [u] деб ўқилади: good, wool, wood.	

ЛЕКСИКА

Сўзларнинг ўқилишини ва уларнинг маъносини ўрганиб олинг.

apple [æpl] — олма	desk [desk] — парта, ёзув столи
at [ət] — ... га, ... да	flat [flæt] — квартира
bad [bæd] — ёмон	it [ɪt] — у
bag [bæg] — сумка, портфель	good [gud] — яхши
bed [bed] — каравот	to give [gɪv] — бермоқ
big [bɪg] — катта	lamp [læmp] — лампа чироқ
black [blæk] — қора	to look [lʊk] — қарамоқ
book [buk] — китоб	little [lɪtl] — кичик
map [mæp] — карта	to take [teɪk] — олмақ
me [mi:] — менга	pencil ['pensl] — қалам
my [maɪ] — менинг	table ['teɪbl] — стол
nice [naɪs] — чиройли	tie [taɪ] — галстук
to open [oʊpn] — очмоқ	that [ðæt] — у
pen [pen] — ручка	this [ðɪs] — бу
pupil ['pju:pl] — ўқувчи	is [ɪz] to be феълнинг III шахс
student ['stju:dənt] — студент	бирлик шакли — ... дир ёки
cat [kæt] — мушук	бор, турибди деган маъноларни
to close [klaʊs] — ёпмоқ	ифодалайди.

Oral Drills

(Оғзаки машқлар)

This is a apple.	That is a bag.
This is a bed.	That is a desk.
This is a cat.	That is a map.
This is a map.	That is a lamp.
This is a pen.	That is a pencil.
This is a tie.	That is a table.
This is a pupil.	That is a student.
This is a student.	That is a flat.

Give me an apple! Take my bag!
Open my book! Look at it!
Close my book! Take it!
Take a good pen! Give me it!

TEXT

This is an apple. It is big. That is a bag. It is black. This is a black cat. It is little. That is a big cat. This is my pen. It is good. That is a pencil. It is bad. That is a little lamp. This is my tie. Take my book, open it! Karim is a pupil. Ahad is a student.

Exercises

(Лексик-грамматик машқлар)

1. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўзлардан қўйиб, гаплар тузинг.

This is ... (a pen, a pencil, a black pencil). Karim is ... (a student, a pupil). Give me ... (a big apple, a good pen, a map). Look

at . . . (a nice cat, that student). Take . . . (my book, a tie, a bag, a pen).

II. s ҳарфининг [s] ва [z] тарзида ўқилишига мисоллар беринг.

III. у ҳарфининг [j] ва [ɪ] тарзида ўқилишига мисоллар беринг.

IV. th ҳарф бирикмасининг икки хил ўқилишига мисоллар беринг.

ГРАММАТИКА

1. Артикль

Ноаниқ артикль (a, an)

Аниқ артикль (the)

2. Кўрсатиш олмошлари (this, that).

3. to be — бўлмоқ феълининг III шахс формаси.

4. Феълнинг ноаниқ формаси ва буйруқ майли.

Артикль (The article). Отлар олдидан қўлланиладиган ёрдамчи сўз артикль деб аталади. Инглиз тилида икки хил — аниқ ва ноаниқ артикль мавжуд.

Ноаниқ артикль (The Indefinite article). Ноаниқ артикльнинг икки хил шакли бор бўлиб, а шакли ундош ҳарф билан бошланган отлар олдидан, an шакли эса унли ҳарф билан бошланган отлар олдидан қўлланади ва у от англатаётган предмет, нарсашу турдаги предмет, нарсалардан бири эканини ифодалаб, унинг бирлик сонда эканлигини кўрсатади.

Артикль ёрдамчи сўз бўлганлиги учун гапда урғу олмайди ва ўзидан кейинги сўзга қўшилиб, кучсиз ([ə], [ən]), талаффуз қилинади: a pen [ə'pen], a bed [ə'bed], an apple [ən'æple], an English book [ən'ɪŋɡlɪʃ'bʊk].

Аниқ артикль (The Definite article). Аниқ артикль the икки хил: унли товуш билан бошланган сўздан олдин [ði], ундош товуш билан бошланган сўздан олдин [ðə] деб талаффуз қилинади:

the example [ði ɪg'zɑ:mpəl], the teacher [ðə 'ti:tʃə]

the apple [ði æpl], the map [ðə mæp]

Аниқ артикль қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Дунёда ягона ҳисобланган предмет, ҳодисани ифодаловчи сўз олдидан: the moon, the sun.

2. Тоғ, денгиз, дарё, океанларни ифодаловчи отлар олдидан: the Black sea, the Caucasus, the Crimea, the Himalayas, the Atlantic Ocean.

3. Атоқли отлар ҳисобланган ва газета-журнал, меҳмонхона, турли ташкилотлар, айрим давлатлар номларини билдирувчи отлар олдидан: The Soviet Union, «The Daily World».

4. Гап тингловчи ва сўзловчига маълум предмет ёки ҳодиса қақида борса.

5. Гапда от орттирма даражадаги сифат билан келганда: the most difficult, the most interesting.

Аниқ артикль урғусиз талаффуз этилади.

This, that кўрсатиш олмошлари. **This** — сўзловчига яқин турган, **that** — эса узоқроқ турган нарсани кўрсатиш ёки аниқлаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кўрсатиш олмошлари бир марта сўзлаб ўтилган предметга ишора қилиш учун ҳам ишлатилади.

Бу олмошлар гапда феълдан олдин келса эга, отдан олдин келса аниқловчи вазифасини бажаради: **This is a bag** — Бу сумка (дир). **That is a pen** — У ручка (дир). **This bag is black** — Бу сумка қора. **That pen is good** — У ручка яхши.

It кишилиқ олмоши. **It** кишилиқ олмоши III шахс бирлик сондаги предмет ўрнида ишлатилади: **This is a pencil** — **It is black.**

to be феълнинг III шахс бирлик формаси is. Is — to be феълнинг III шахс бирлик формаси бўлиб, боғловчи ҳамда мустақил феъл вазифасида ишлатилади. **Is — боғловчи феъл вазифасида ишлатилса,** ўзбек тилига таржима қилинмайди. **Агар is мустақил феъл бўлиб келса бор,** турибди — деган маънони англатади:

Karim is a student — Қарим студент (дир)

Karim is at the desk — Қарим парта ёнида турибди.

Феълнинг ноаниқ формаси ва буйруқ майли. Инглиз тилидаги феълнинг ноаниқ шахсиз формаси (инфинитив) **to** юкламаси билан ишлатилади. У ўзбек тилидаги феълнинг **-моқ** қўшимчасига мос келади.

Инглиз тилида феълнинг II шахсга қаратилган буйруқ майли феълнинг ўзагидан **to** юкламасиз ясалади. Масалан: **to close** — ёпмоқ — **Close** — ёп. **Close my book.** Китобимни ёп. **to give** — бермоқ — **Give** — бер. **Give me a pen.** — Менга ручка бер. **to open** — очмоқ — **Open** — оч. **Open this book.**—Бу китобни оч.

LESSON THREE

THE THIRD LESSON

ФОНЕТИКА

1. **a, e, i, y, o, u** унлиларининг шартли ёпиқ ва шартли очиқ бўғинларда ўқиلىши.

2. **ch, tch, sh, ng, nk** ундош ҳарф бирикмаларининг [tʃ], [ʃ], [tʃ], [ŋk] тарзида; **wh** ҳарфлар бирикмасининг [w], [h] тарзида; **wr** ҳарфлар бирикмасининг фақат [r] деб ўқиلىши.

3. Ҳарф бирикмалари — **aw** [ɔ:], **ew** [ju:], [u:], **ow** [ou] ёки [au], **wa** [wɔ], **wag** [wɔ:] ва **wor** [wə:] бўлиб ўқиلىши.

4. **a** унлисининг **sk, ss, sp, st, th.** олдидан [ɑ:] тарзида ва **ll, lk** олдидан [ɔ:] тарзида ўқиلىши.

8-жадвал

аг ҳарф бирикмаси [ɑ:] деб ўқилади: bar, car, far, part yard, large, marble	аре ҳарф бирикмаси [eə] деб ўқилади: care, bare, dare, fare parent, prepare
---	---

Ўқиш учун сўзлар

dark, start, card, harm, hard, hare, stare, lares, mare, pare, lard, bard
ss, sp, st, sk, th, ft ва n + ундош ҳарф бирикмалари олдидан келган а унлиси юқоридаги қоидага биноан [ɑ:] деб ўқилади: class, grasp, last, ask, father, path, after, craft, answered, branch, dance, chance

9-жадвал

er ҳарф бирикмаси [ə:] деб ўқилади: her, herd, term, verb, germ, ferm, serve, verbal	ir, ur ва er ҳарф бирикмалари [ə:] тарзида талаффуз этилади: firm, myrtle, first, girl, third, bird, Byrd, stir, pirm
er урғусиз бўғинда бу қоидадан мустасно [ə] деб ўқилади: father	ire, ure ҳарф бирикмаси [aɪə] тарзида талаффуз этилади: mire, lyre, wire, tyre, fire, tire.
ere [ɪə] — тарзида талаффуз этилади: here, there, period Лекин ere айрим сўзларда қоидадан мустасно [eə] деб ўқилади: there, where	

Ўқиш учун сўзлар

verge, periodical, perfect, reserve, sere, serial, serious	fir, circle, byrd, tyre, admire, wireless, inspire, skirt, firm
--	---

10-жадвал

or [ɔ:] каби талаффуз этилади: nor, north, port, sport, born, cord, forty.	ur ва er [ə:] каби талаффуз этилади: burn, turn, turtle, curb, hurt, fur
ore бирикмаси or бирикмасига ўхшаб [ɔ:] деб талаффуз этилади: store, explore, core, sore, before	ure [juə] — каби талаффуз этилади: cure, pure, secure, du-ring

а ҳарфи lk, ll ҳарф бирикмалари олдидан келса, юқорида-
ги қоидага биноан [ɔ:] деб ўқилади: talk, walk, balk, ball,
tall, hall, all

Ўқиш учун сўзлар

form, border, restore, fore. Лекин or ҳарф бирикмаси урғу- сиз бўғинда [ə] деб ўқилади: 'tractor, 'doctor, 'actor.	nurse, burn, curious, hurt, duress; duration, nursery, lurk, lure.
--	---

11-жадвал

ch, tch ҳарф бирикмалари [tʃ] деб ўқилади: chick, chest, inch, pitch, ditch, match, cutch	sh ҳарф бирикмаси [ʃ] деб ўқи- лади: she, ship, shelf, shook, shi- ne, shame, shave, shirt, share
--	--

Ўқиш учун сўзлар

chin, lynch, ditch, china, chess, watch, charge, march	shirt, shop, fish, dish, shurt, dash, shift, mesh
---	--

12-жадвал

ng [ŋ] — инглиз тилидаги бу ҳарф бирикмаси ўзбек тилидаги [нг] ҳарф бирикмасига қисман ўх- шайди. Масалан: менинг long, wing, bang, sing, sitting, using	nk [ŋk] — ҳарф бирикмасида [k] товуши ҳам ўқилади: bank, blank, wink, pink, tank, ink, sink
--	--

13-жадвал

w [dʌblju:] — Агар wh ҳарф би- рикмасидан сўнг a, e, u унли- лари келса, бунда у [w] деб ўқилади: What, when, which, why — [wɒt], [wen], [wɪtʃ], [waɪ]. Агар wh ҳарф бирикмасидан сўнг o унлиси келса, бу ҳолда у [h] ўқилади: who, whom, who- se — [hu:], [hu:m], [hu:z]. w дан сўнг r келса (wr) у ҳолда доимо [r] ўқилади: write, wrap [raɪt], [ræp]	1. aw war ҳарф бирикмаси [ɔ:] ва [wɔ:] — деб ўқилади: awful, saw, war, warm. 2. ew ҳарф бирикмаси [ju:], [u:] деб ўқилади: new, few, sew, blew, grew 3. ow ҳарф бирикмаси баъзан [ou], баъзан [au] деб ўқилади: snow, sow; down, town. 4. wa [wɔ], wor [wə:] бўлиб ўқилади: want, watch, work, word, worse
---	--

whack, whole, white, where, who, whole, wretch, wrist, saw,
draw, brown, how, low, yellow, dew, hew, pew, worst, world,
work, want, wash, wand, warm, ward, where, whist

ЛЕКСИКА

Сўзларнинг ўқилишини ва уларнинг маъносини ўрганиб олинг.

and [ænd], [ənd] ва, билан
at home [houm] уйда
blackboard ['blækbo:d] доска
blue [blu:] ҳаво ранг
bookcase ['bukkeɪs] китоб шкафи
box [bɒks] қутн, коробка
bread [bred] нон
chalk ['tʃɔ:k] бўр
clean [kli:n] тоза
five [faɪv] беш
from [frəm] ... дан (ичидан)
to go [ɡoʊ] бормоқ
green [ɡri:n] яшил
grey [ɡreɪ] кул ранг
in [ɪn] да (ичида)
my [maɪ] менинг
new [nju:] янги
notebook [nəʊtbʊk] дафтар
no [noʊ] йўқ
not [nɒt] эмас
old [əʊld] эски, қари
on [ɒn] ... да (устиди)
or [ɔ:] ёки
plan [plæn] план
plate [pleɪt] ликоб, тарелка

please [pli:z] марҳамат
red [red] қизил
to read [ri:d] ўқимоқ
room [ru:m] хона
small [smɔ:l] кичик
shelf [ʃelf] токча
ten [ten] ўн
these [ði:z] булар
those [ðəʊz] улар
thick [θɪk] қалин, йўғон
thin [θɪn] юпқа нозик
to [tu], [tə] га
too [tu:] ҳам
two [tu:] икки
wall [wɔ:l] девор
window ['wɪndəʊ] дераза
with [wɪð] билан
what [wɒt] нима (қайси)
white [waɪt] оқ
whom [hu:m] ким (кимга)
whose [hu:z] кимнинг
where [weə] қаерда
when [wen] қачон
to write [raɪt] ёзмоқ

Топшириқ. г ҳарфининг икки унли ўртасида [r] деб ўқилишига
ва бошқа ҳолларда эса ўқилмаслигига эътибор бериб, қуйидагиларни
машқни ўқинг.

These are \apples. Those are old \pens.

Where is the \book? Where are the \plans?

Is this a \thick or a thin \wall?

Are the windows \green or \blue?

Oral Drills

This is a box. That is chalk.
This is a plate and that is a shelf.
These are rooms and those are bookcases.
These are thin notebooks and those are thick books.
These are five boxes and those are ten shelves.
These are green walls and those are white windows.
I am a student. Karim is a student too. We are students.
Karim, take a book and read it. Ahad, go to the blackboard and write on it! Those are not old flats, they are new flats. Are these small tables? Yes, they are.

TEXT

I. This is a room. It is a big and good room. I am in the room. It is my room. This is a wall. That is a wall too. These are walls. The walls are white and blue. Those are windows. They are big and clean. This is a blackboard and that is a map. The blackboard and the map are on the wall.

This is a chalk. It is in the box on the blackboard. Karim, go to the blackboard, take the chalk from the box and write on the blackboard.

II. These are books and notebooks. They are on the table, on the shelf and in the bookcase. The books are thick. The notebooks are thin. My books, notebooks, pens and pencils are in my bag. They are black, white, red, green and blue. Ahad, take my pen from my bag and give it to me! And open my book and read the text five. And close the book!

Exercises

I. Қуйдағы предметларнинг сифат ва миқдориини кўрсатинг. Намунадан фойдаланиб гаплар тузинг ва таржима қилинг.

Намуна:

This is a room It is a small room An apple is on the table Two apples are on the table.
--

book, notebook, bag, blackboard, bread, plan, pencil, desk, tie, room, chalk, window, map, flat, bed, wall, box, shelf, bookcase, two, five, ten, small, thick, thin, white, blue, red, good, bad, little, nice, black, old, new, green, grey.

II. Нуқталар ўринга керакли артикли қўйинг.

1. This is ... bread and that is ... plate. 2. This is ... chalk and that is ... blackboard. 3. The chalk is on ... table. That bread

is on ... plate. 4. Is that table in ... room? Yes, it is. 5. Is ... shelf clean or not? It is clean. 6. Are these books on ... bookcase? No, they are not.

ГРАММАТИКА

1. Отларда кўплик сон ясалиши.
2. Қишилиқ олмошлари.
3. to be — бўлмоқ феълининг ҳозирги замонда тусланиши.
4. Предлоглар: on, at, in, to, with, from
5. Сўроқ гапнинг турлари.

Отларда кўплик сон ясалиши (The plural forms of the nouns). Бирлик сондаги отга -s (-es) қўшимчасини қўшиш орқали отларнинг кўплик сони ясалади. -s қўшимчаси ундош, унли ёки ўқилмайдиган е билан тугаган отлар охирига қўшилади.

Масалан: a pen — pens, a map — maps, a tie — ties, a sofa — sofas, a toy — toys.

-es қўшимчаси сирғалувчи ёки шипилловчи товушни ифодаладиган х, ss, sh, ch, tch каби ҳарф ва ҳарф бирикмалардан кейин қўшилади.

Масалан: a dress — dresses, a box — boxes, a dish — dishes, a bench — benches, a match — matches. -es қўшимчаси у ва f билан тугаган отларга қўшилганда у дан олдин ундош келса у ҳарфи i ҳарфига, f ҳарфи ўқилмайдиган е ҳарфидан олдин v га айланади.

Масалан: lady — ladies, knife — knives.

Бирлик сондаги от қандай товуш билан тугаганлигига қараб, кўплик сон қўшимчаси -s (-es) уч хил ўқилади:

14-жадвал

Жарангсиз ундошдан кейин [s] деб ўқилади.	Унли ёки жарангли ундошдан кейин [z] деб ўқилади.	Сирғалувчи [s, z] ёки шипилловчи [ʃ, ʒ, tʃ, dʒ ks] ундошдан кейин [ɪz] деб ўқилади.
maps — [mæps] nuts — [nʌts] notes — [nəʊts]	sofas — [səʊfəz] toys — [tɔɪz] ties — [taɪz] pens — [penz]	dresses — [dresɪz] boxes — [bɒksɪz] dishes — [dɪʃɪz] benches — [bentʃɪz]

Инглиз тилида айрим отларнинг кўплик сони юқоридаги қоидадан мустаснодир. Бу турдаги отлар ўзагидаги унли ўзгариши билан ёки айрим қўшимчалар қўшилиши билан кўпликка айланади:

man [mæn] эркек — men [men] эркеклар
 woman ['wʊmən] аёл — women ['wɪmɪn] аёллар
 tooth [tu:θ] тиш — teeth [ti:θ] тишлар
 foot [fu:t] оёқ — feet [fi:t] оёқлар
 ox [ɒks] хўкиз — oxen ['ɒksn] хўкизлар
 child [tʃaɪld] бола — children [tʃɪldrən] болалар

This, that кўрсатиш олмошларининг кўплик сони ҳам шу қондага мансубдир: **this — these, that — those.**

Кишилик олмошлари

(Personal pronouns)

Бирлик

Кўплик

I — мен

We — биз

He — у (эркакларга нисбатан)

You — сиз

She — у (хотин-қизларга нисбатан)

they — улар

It — у (бошқа ҳолларда)

to be — бўлмоқ феълининг ҳозирги замонда тусланиши.

15- жадвал

I am	We are
He is	You are
She is	They are
It is	

to be — феъли ҳозирги замонда 3 хил шаклга эга бўлади: — 1) I шахс бирлик учун **am**; 2) III шахс бирлик учун **is**; 3) ҳар учала шахснинг кўплиги учун **are** шаклида ишлатилади. **to be** феъли икки хил вазифада — мустақил феъл ёки боғловчи феъл вазифасида келади.

16- жадвал

to be феълининг гап турларида қўлланиши

Бўлишли гапда	I am a student He is a student She is a student	We are students You are students They are students
Бўлишсиз гапда	I am not a student He is not a student She is not a student	We are not students You are not students They are not students
Сўроқ гапда	Am I a student? Is he a student? Is she a student?	Are we students? Are you students? Are they students?

Предлоглар (The Prepositions). Предлоглар бир предметнинг иккинчи бир предметга ёки ҳодисага бўлган алоқасини кўрсатади. Инглиз предлоглари — содда, ясама, қўшма ва мураккаб бўлади. Инглиз содда предлоглари ўзбек тилида келишиқ қўшимчаларининг вазифасини бажаради, масалан: *On* — да (устиди), *in* — да (ичида), *to* — га, *at* — да (предмет ёнида, олдида), *with* — билан, *from* — дан (бирор ҳодиса ва предмет томонидан).

Сўроқ гапнинг турлари (Types of Interrogative sentences). Номаълум нарса, ҳодиса ва воқеалар ҳақида бирор маълумот олиш учун ишлатиладиган гап *сўроқ гап* дейилади. Гапнинг грамматик структураси, интонация ва бошқа хусусиятларига кўра сўроқ гап турли хил бўлади.

1. Умумий сўроқ гап. (General Questions). Бу сўроқ гапда савол асосан гапнинг умумий мазмунига берилиб, сўзловчидан нарса ва ҳодисанинг мавжуд ёки содир бўлганлиги ҳақида қисқа тасдиқ ёки инкор жавоб талаб қилади.

Умумий сўроқ гапда ёрдамчи, кўмакчи ёки модал феъл доимо эгадан олдин келади. Умумий сўроқ гаплар интонацияси кўтарилувчан бўлади.

Масалан: *Are you a student? — Yes, I am; Is Nasiba at the Institute? No, she is not.*

2. Махсус сўроқ гап. (Special Questions). Суҳбатдошдан нарса ёки ҳодиса ҳақида махсус бирор маълумот беришни талаб этувчи сўроқ гап *махсус сўроқ гап* дейилади. Бу сўроқ гап сўроқ олмошлари *who* — ким, *what* — нима (қандай), *whom* — кимни (кимга), *when* — қачон, *whose* — кимнинг, *which* — қайси, *where* — қерда, *why* — нима учун, *how* — қандай, *how many (much)* — қанча каби сўроқ сўзлар ёрдамида тузилади.

Бу гапда сўз тартиби сўроқ сўздан сўнг гапнинг бошқа бўлаклари умумий сўроқ гапнинг тартибига ўхшаш бўлади. Махсус сўроқ гапда савол ҳар бир гап бўлагига берилади. Жавобда эса сўралган гап бўлагини келтириб, тўла жавоб берилади:

17-жадвал

Саволлар	Жавоблар
Who is a student?	Karim is.
What is this?	It is a bag.
What bags are they?	They are black bags.
Whom is Karim with?	Karim is with me.

Whose tie is this?	It is my tie.
Which cat is black?	The big cat is (black)
Where is the black cat?	It is on the bed.
Why is Karim at home?	He is ill.

3. Танлов (альтернатив) сўроқ гап. (Alternative Questions)
 Сўроқ гапнинг бу турида бир-бирига зид бўлган икки, баъзан у предмет ёки ҳодисанинг қайси бири тўғрилигига савол берилади. Сухбатдош улардан бирини танлаб олиб жавоб беради.

Бу сўроқ гап икки гапдан иборат бўлиб, улар ўртасида айирувчи боғловчи **or** (ёки) келади. Бунда сўз тартиби умумий сўроқ гапникига ўхшаган бўлади, лекин сўралаётган предмет ёки ҳодисаларни бирини танлаб олиб, тўла жавоб қайтарилади.

Масалан: *Is this a good or bad pencil? — It is a good pencil.*

Are those big or little cats? They are little cats.

Are these beds or desks? These are beds.

Am I a pupil or a student? You are a student.

4. Ажратилган сўроқ гап. (Disjunctive Questions). Ажратилган сўроқ гап ҳам икки қисмдан иборат бўлади: биринчи қисми дарак гап, иккинчи қисми эса қисқартирилган умумий сўроқ гап бўлади.

They are good students, aren't they?

Ажратилган сўроқ гапнинг дарак гап қисми бўлишли формада бўлса, сўроқ қисми бўлишсиз формада келади ва аксинча:

You are students, aren't you?

You are not students, are you?

TEXT

What is this? It is a flat. Is this a big or a small flat? It is a small flat. What plans are these? These are old plans. Where are the new plans? They are in the book-case. Whose are these? These are my plans. Where is the chalk? It is on the book. Where is the book? It is on the bookshelf. The bread is on the shelf, isn't it? No, it is not. It is on the plate.

Exercises

1. Қуйидаги гапларни аввал умумий сўроқ гапга, сўнгга махсус сўроқ гапга айлантиринг ва уларга жавоб беринг.

1. This blackboard is black. 2. The book is thick. 3. These walls are blue. 4. Those lamps are red. 5. My cat is white.

II. Қуйидаги гапларни намуна асосида аввал умумий, сўнгра танлов сўроқ гапга айлантининг ва уларга жавоб беринг.

Н а м у н а: I am not a pupil. I am a student.

Are you a pupil? No, I am not.

Are you a pupil or a student. I am a student.

1. I am not at home. I am at the Institute.
2. She is not at the blackboard. She is at the table.
3. The big boxes are not on the table. They are on the desk.
4. This is not a grey window. This is a green window.
5. This is bread and that is chalk. This bread is white and that chalk is white too.

III, Answer the questions.

1. Are you at home?

Is Karim at the Institute too?

2. Who is she?

What is your name?

What student is Karim?

Where is he?

Whose notebook is this?

Where are they?

3. They are good pupils, aren't they?

We are not students, are we?

Эслатма: What + феъл келса (кўпинча) «нима» деб, What + от келса «қандай» деб таржима қилинади.

LESSON FOUR

THE FOURTH LESSON

ФОНЕТИКА

Унли ҳарф бирикмаларининг ўқилиши

1. а) ее, еа, еі, іе ҳарф бирикмаларининг [і:] деб ўқилиши;

б) аі, ау, еу ҳарф бирикмаларининг [еі] деб ўқилиши;

с) оі, оу ҳарф бирикмаларининг [оі] деб ўқилиши.

Айрим сўзларда баъзи унли ҳарф бирикмаларининг қоидадан мустасно ўқилиши:

2. аи ҳарф бирикмасининг [а:] деб, оа ҳарф бирикмасининг [оу] деб, ои ҳарф бирикмасининг [аи] деб ўқилиши.

Айрим ҳолларда ушбу ҳарф бирикмалари аи [а:] деб; оа [оу] деб; ои [аи] деб ўқилади.

Қоидадан мустасно ҳоллар

Ҳарф бирикмаларининг еа [е] деб; ои [и:] ва [а] деб; еу, ау [і] деб; іе [е] деб; аі [і] деб қоидадан мустасно ўқилиши.

1. Унли ва ундош ҳарф бирикмаларининг are, air, eir [eə]; eer, ere, ear [Iə], ore, oor, our [ɔ:]; ture sure [zə]; tion, ssion; [ʃn] деб ўқилиши ва булардан ear [eə] ёки ундан сўнг ундош келса [ə:], oor [uə] ва our [aʊə] деб қоидадан мустасно ўқилиши.

2. kn ph ундош ҳарфлар бирикмаларининг [n] ва [f] деб ўқилиши.

18-жадвал

ee, ea, ei, ie [i:]	ai, ay, ey [ei]
need, lead, ceiling, field deed, meat, seize, niece three, read, receive, piece, see, east, deceive, priest street, sea Бироқ friend [frend] ўқилади.	main, say, they laid, day, grey sail, wail, obey waiter, gay rain, play Бироқ mountain [mauntɪn] ўқилади.
ea унли ҳарф бирикмаси айрим сўзларда қоидадан мустасно [e] деб ўқилади: bread, head, ready, dead. ay, ey ҳарф бирикмаси эса урғусиз бўғинда [ɪ] деб ўқилади: hockey, holiday, yesterday, Sunday, Monday, money, volley.	

Ўқиш учун сўзлар

feed, tea, tray, way, keep, deceive, they, grey, volley, piece, sail, laid, dead, heavy.

19-жадвал

oi, oy [ɔɪ]	ai [ɔ:]	oa [ou]	ou [au]	ou қоидадан мустасно [u:], [ʊ] ва [ʌ] ўқилади
boil boy oil toy coin goy noise enjoy	autumn cause because saucer	boat load road soar	about round out proud	[u:] [ʌ] soup couple group young rouble country баъзан trouble [ʊ] could should would
Бироқ: aunt, laugh сўзларида [ɑ:] ўқилади.				

Ўқиш учун сўзлар

toil coin, coil, boy, toy, voice, august, author, goal, coat, road, shout, ground, house, rouble, country, could, group, autumn.

20-жадвал

are, air, eir [ɛə]	eer, ere, ear [iə]	ore, oor, our [ɔ:]
dare, air, their mare, hair fare, fair care, chair	engineer, here, deer pioneer, where, hear deer, severe, near cheer, mere, clear Бироқ ear ҳарф бирикмасидан сўнг ундош келса, [ə:] ўқилади: earth, learn, heard early; лекин heart, hearth ([ɑ:]) сўзлари бундан мустасно	more, door, four shore, floor, your sore, roor, course store. Бу ҳарф бирикмаси бошқа айрим сўзларда [uə] ёки [ə:] деб ўқилади. Масалан: roor [puə], tour[tuə], journal [dʒə:nəl].

Ўқиш учун сўзлар

hare, hair, pare, fair, core, ore, ear, hear, sneer, cheer, here, heard, fare, roor, floor, shore, restore, tourist, journey, course, before, our

21-жадвал

ture [tʃə]		sure [ʒə]		tion, sion [ʃn]	kn [n]	ph [f]
culture	pleasure	action	Russian	knew	photo	
picture	measure	nation	session		phone	
lecture	treasure	station	oppression	knit	physics	
literature	leisure	translation	permission	knife	philosophy	
Бироқ sure [ʃuə] ўқилади				knell	Бироқ nephew [ˈnevju(:)] ўқилади	

structure, celebration, dictionary, session, temperature, treasure, sure, known, geography, demonstration, knife, knell, photo, measure, dictation, permission, Russian.

ЛЕКСИКА

Сўзларнинг ўқилишини ва уларнинг маъносини ўрганиб олинг.

all [ɔ:l] ҳамма
 artist [ˈɑ:tɪst] рессом
 architect [ˈɑ:kɪtekt] архитектор
 to begin [bɪˈɡɪn] бошламоқ
 bottle [bɒtl] шиша
 brown [braʊn] жигар ранг
 brother [brʌðə] ака-ука
 but [bʌt] лекин
 ceiling [ˈsi:lɪŋ] шип
 collective-farmer [kəˈlektɪvˈfɑ:mə]
 колхозчи
 chair [tʃeə] стул
 classroom [ˈklɑ:srum] синф хона-
 си
 comrade [ˈkɒmɹɪd] ўртоқ
 doctor [ˈdɒktə] врач
 door [dɔ:] эшик
 engineer [ˌendʒɪˈnɪə] инженер
 English [ˈɪŋɡlɪʃ] инглизча
 factory [ˈfæktɹɪ] фабрика
 father [ˈfɑðə] ота
 friend [frend] дўст

floor [flɔ:] пол, қават;
 ink [ɪŋk] сиёҳ
 Institute [ˈɪnstɪtju:t] институт
 large [lɑ:dʒ] катта
 lesson [ˈlesn] дарс
 mother [mʌðə] она
 name [neɪm] исм, от, ном
 now [naʊ] энди, ҳозир
 our [aʊə] бизнинг
 page [peɪdʒ] бет
 to put [put] қўймоқ
 reading [ˈri:dɪŋ] ўқиш
 sister [sɪstə] опа-сингил
 to spell [spel] ҳарфма-ҳарф айтмоқ
 to day [təˈdeɪ] бугун
 teacher [ˈti:tʃə] ўқитувчи
 text [tekst] текст
 text-book [buk] дарслик
 word [wɜ:d] сўз
 worker [wɜ:kə] ишчи
 young [jʌŋ] ёш (ёшлик)

to be absent [ˈæbsənt] йўқ бўлмоқ; to be present [ˈpreznt] боп бўлмоқ; to be ill [ɪl] касал бўлмоқ; to be well [wel] яхши/ соғ бўлмоқ; How are you? Аҳволлар қандай? — I am fine (well) Яхшиман. Thank you — Раҳмат! What is your name — Имингиз нима? My name is Anvar. Исим Анвар. What are you? Қим бўлиб ишлайсиз? — I am a teacher. — Ўқитувчиман.

Oral Drills

1. We are students, we are at the Institute now. We are in class. Ten students are present, two students are absent. How many lessons have you today?

We have four lessons today.

What lesson is it now? — It is an English lesson.

Open your English book at page 20!

Now read text 10! Begin reading!

Put your book on the desk! Spell the word «English», please!

II. These are young workers and those are collective farmers. They are at the factory now. Where are you now? I am at the Institute. Where is your friend? He is at home. He is ill.

Where is Karim's mother? She is at home too.

She is not ill, she is fine.

Where are the workers? They are at the factory.

III. How are you, comrade Olimov? Thank you, fine.

Is your friend well? No, he is not. He is ill.

How is your mother and father? Thank you, they are well.

How many sisters and brothers have you?

I have four sisters and two brothers.

TEXT

I. This is our classroom. Our classroom is a large and a good room too. This is a table. Those are six chairs. The table and the chairs are brown. The floor of our classroom is brown too. The door and the windows of the classroom are blue. That is a ceiling. It is blue too. Those are four lamps. The lamps are on the ceiling.

II. These are students. They are in the classroom. They have their English textbooks and notebooks. Their textbooks and notebooks are on the table and in their bags.

This is your English textbook. That is ink. It is red. The ink is in the bottle. The bottle is on the shelf. The textbook is not thick, it is thin. This is lesson one. It is on page three. That is lesson five. It is on page eight.

We are in class now. She is our English teacher. She is in class too. Ten students are present. Two students are absent. They are not well. My friend Kajum is absent too. He is ill. He is at home.

III. My name is Karim Kamilov. I am young. I am at home now. I have a father, a mother, two sisters and four brothers. My father is a worker. My mother is a teacher. My big sister is an architect, my little brother is an engineer. I have a friend, my friend's name is Salim. This is our flat. It is little, but it is good.

IV. Is your father an artist or a worker? He is a worker. Where is he now? He is at his factory. What is your big sister? She is an artist. What is her name? Her name is Nasiba. Is she young or old? She is young. How are you? Thank you, I am well.

Exercises

I. Намунадан фойдаланиб, қуйидаги гапларни сўроқ ва бўлишсиз гапларга айлантиринг.

Намуна

I have a brother, he has a sister.
Have you a brother? Has he a sister?
I have not a brother. He has not a sister.

1. We have a mother, they have a father.
2. My father is a worker. His mother is a teacher.
3. Our friend's fathers are artists.
4. Their brothers are architects.
5. Karim has good friends.

II. Ажратиб кўрсатилган сўзларга намуна асосида махсус савол беринг.
Намуна

T: I have two friends.
S: Who has two friends?
S: How many friends have you?

1. He has **four** lessons. 2. His name is **Ahad**. 3. I am in the class-room. 4. The black ink is **in the bottle**. 5. Karim's father is an **engineer**.

III. Гапларни ўқинг ва таржима қилинг.

a) 1. I am a student. We have twenty textbooks. 2. You are a teacher. He is a teacher too. He has ten books. 3. She is an engineer. She has a good plan. 4. Your brother is a doctor. We are all young workers. 5. They are our friends. His father is an architect.

b) 1. Whose father is a worker? Karim's father is. 2. What are you? I am a student. 3. Who is absent? Dilbar is absent. (Two students are absent.) How many students are present? Fifteen students are. 4. Who is ill? Karim is ill. 5. What are they? They are workers. 6. What is your mother? She is a teacher. 7. Where is your friend? He is at the factory.

ГРАММАТИКА

1. Кишилиқ олмошлари
2. Эғалиқ олмошлари
3. Отларда эғалиқ (қаратқич) келишиги
4. of предлоги
5. To have феъли
6. Саноқ сонларнинг ясалиши (1 — 20).

Кишилиқ олмошлари (Personal pronouns). Кишилиқ олмошларида иккита келишик — номинатив (nominative) ва объект (ob-

jective) келишик формалари мавжуддир. Номинатив келишикда келган олмошлар гапда эга вазифасини бажариб, who? сўроғига, тўлдирувчи вазифасида келганда whom? ёки who? сўроғига жавоб бўлади.

Эгалик олмошлари (Possessive pronouns). Маълум бир шахснинг бирор нарсага эгалигини кўрсатиб келувчи олмошлар эгалик олмошлари дейилади. Бу олмошлар гапда аниқловчи вазифасида келади ва whose? сўроғига жавоб бўлади.

Кишилик ва эгалик олмошларининг асосий формалари:

22-жадвал

сон Number	шахс Person	Кишилик олмошлари		Эгалик олмошлари Possessive pronouns
		Номинатив келишик Nominative case	Объект келишик Objective case	
Бирлик Singular	I	I — мен	me — мени(-га, -да, -дан)	my — менинг
	II	—	—	—
	III	he	him	his
		she — у	her уни(-га, -да, -дан)	her — унинг
		it	it	its
Қўплик Plural	I	we — биз	us — бизни(-га, -да, -дан)	our — бизнинг
	II	you — сиз	you — сизни(-га, -да, -дан)	your — сизнинг
	III	they — улар	them — уларни (-га, -да, -дан)	their — уларнинг

Кишилик олмошларининг номинатив ва объект келишикларда келган шакллари бир хил (it — it, you — you), бинобарин уларни гапда қандай вазифада келишини фарқлаш учун буларнинг гапдаги ўрнига эътибор бериш лозим. Агар гап бошида, феълдан (кесимдан) олдин келса, у ҳолда you (it) гапда эга вазифасини бажаради, масалан:

You give me his book. It is his book.

Агар гапда феълдан (кесимдан) кейин келса, у ҳолда you (it) воситали ёки воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради, масалан:

I give you my book. Give it to me, please!

Шунингдек she кишилик олмошининг объект келишигидаги her билан эгалик олмоши her шакли ҳам бир хил, уларни фарқлашда объект келишикда келган her ни феълдан кейин эгалик ол-

моши her ни эса отдан олдин келишига эътибор бериш керак. Масалан: I give her my book. Her book is old. You take her book.

Отларда эгалик келишиги. Эгалик келишигидаги отлар бир нарсага эга эканликни ёки муносабатдаликни англатиб келади.

Эгалик келишиги -'s (апострофли s) суффикси ёрдамида ясалади:

— Эгалик келишигини ясовчи -s қўшимчаси уч хил ўқилад

а) жарангсиз ундошлардан сўнг [s] деб;

б) жарангли ундошлар ва унлилардан сўнг [z] деб;

в) [s], [z], [tʃ] ёки [dʒ], [ʃ] ундошларидан кейин эса [ɪz] д талаффуз этилади. Мисоллар: his wife's dress, Robert's books, George's pen, Karim's book Каримнинг китоби; Nasiba's bag — Насибанинг сумкаси; Shohida's tie — Шоҳиданинг галстуги; My sister's son — опамнинг ўғли. Кўплик сондаги от эгалик келишигид келса, унда отнинг кўплик қўшимчаси -s (-es) дан сўнг фақат апостроф ишлатилади, эгалик келишигининг қўшимчаси -s туши қолади:

student's book — студентнинг китоби.

our students' books — студентларимизнинг китоблари.

Of предлоги. of предлоги от олдида ишлатилиб, ўзбек тилига қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** орқали таржима қилинади. Бу предлог -'s функциясига мос келади. of отдан олдин, -'s эса отдан кейин ишлатилади. Масалан: A map of the USSR — The USSR's map — СССРнинг картаси. Open Karim's bag! Open the bag of Karim! Каримнинг сумкасини очинг!

To have феъли. To have феъли ўзбек тилида эга бўлмоқ, бор бўлмоқ каби маъноларни англатади. To have феъли ҳозирги замонда икки хил шаклга — I шахснинг бирлигида ва барча шахсларнинг кўплигида have, III шахс бирлигида has шаклига эга:

I have a good flat.

We have a good flat.

He has two rooms.

To have феъли инглиз тилида кўп функцияли феъллардан ҳисобланиб, мустақил, кўмакчи ва модал феъл вазифасида кела олади.

а) to have — мустақил феъл вазифасида келганда эга бўлмоқ, бор бўлмоқ каби маъноларини англатади.

to have феъли фразеологик бирикмалар составида келганида ўзбек тилига таржима қилинмайди: to have a good time — вақтни яхши ўтказмоқ.

б) to have кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда феълнинг перфект (туғалланган) формасини ясайди: I have read this book — Мен бу китобни ўқиб бўлдим.

в) to have феъли модал маънода ишлатилса, ундан сўнг инфинитив to юкламаси билан бирга қўлланади ва иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши зарурлигини билдиради: I have to go — Боришимга тўғри келади каби.

To have феълининг (мустақил феъл маъносида) ҳозирги замонда тусланиши.

	Бўлишли шакли	Сўроқ шакли	Бўлишсиз шакли
Бирлик	I have a book. He } She } has a book. It }	Have I a book? Has { he } a book? { she } { it }	I have no book. He } She } has no book. It }
Қўплик	We } You } have books. They }	Have { we } books? { you } { they }	We } You } have no books. They }

Сўроқ гапларда **to have** феъли эгадан олдин келади. Бўлишсиз гапларда **have, has** дан сўнг **no** ёки **not** инкорюкламаси ишлатилади.

Have you a book? Yes, I have.

No, I have not (I haven't)

Has she a notebook? Yes, she has

No, she has not (she hasn't)

Саноқ сонларнинг ясалиши. (The Formation of Cardinal Numerals).

Предметнинг миқдорини ёки тартибини, ўрнини билдирувчи сўз туркуми сон дейилади. Инглиз тилидаги саноқ сонларнинг 1—12 гача бўлган қисми қуйидаги туб сўзлардан ташкил топган.

1 — one

11 — eleven

2 — two

12 — twelve

3 — three

13 — дан 19 гача бўлган сонлар

4 — four

бирлик сонлар ўзагига — teen

5 — five

суффиксини қўшиш билан ясалади.

6 — six

13 — thirteen

7 — seven

14 — fourteen

8 — eight

15 — fifteen

9 — nine

16 — sixteen

10 — ten

17 — seventeen

18 — eighteen

19 — nineteen

13, 15, 18 сонларининг ясалишида ўзакда қисман ўзгариш бўлади.

Қиёсланг:

three — thirteen

five — fifteen

eight — eighteen

20 — дан 90 бўлган ўнлэк сонлар бирлик сонлар ўзагига -ty суффиксини қўшиш билан ясалади: forty, sixty, ninety.

LESSON FIVE

THE FIFTH LESSON

ФОНЕТИКА

1. i + gh ҳарф бирикмаси [ai]; ei + gh [ei]; ou + gh [ɔ:] ва бу бирикманинг қоидадан мустасно ҳолда [ou] ёки [au] деб ўқилиши. Бундай ҳолларда gh ўқилмайди.

2. qu + ar [kwɔ:] ва ou + s [əs] деб ўқилиши.

24-жадвал

i + gh [ai]	ei + gh [ei]	ou + gh [ɔ:]
light might night right	eight neigh weigh weight	bought brought nought thought

Ўқиш учун сўзлар

fight, fighter, weight, eighty, sigh, eighteen, high, heigh, sought, ought, dough, daughter.

25-жадвал

qu + ar [kwɔ:]	ou + s [əs]
quarter quarts quarrel	famous numerous various

Ўқиш учун сўзлар

quarto, quart, quartz, duteous, continuous, curious

ЛЕКСИКА

Сўзларнинг ўқилишини ва уларнинг маъносини ўрганиб олинг.

bathroom ['bɑ:θrʊm] ваннахона
 bedroom [bedrʊm] ётоқхона
 bus [hʌs] автобус
 busy ['bɪzɪ] банд
 car [kɑ:] енгил машина
 carpet ['kɑ:pɪt] гилам
 central ['sentrəl] марказий
 child [tʃaɪld] бола
 children [tʃɪldrən] болалар
 comfortable [kəmfortəbl] қулай,
 шинам
 corner ['kɔ:nə] бурчак
 dining-room ['daɪnɪŋrʊm] ошхона
 to do [du:] қилмоқ, бажармоқ
 electricity [ɪlek'trɪsɪtɪ] электр
 park [pɑ:k] парк
 people ['pi:pl] одамлар, халқ
 picture ['pɪktʃə] расм
 plant [plɑ:nt] завод
 radio-set ['reɪdɪoʊset] радиола
 running-water ['rʌnɪŋwɔ:tə] вода-
 провод
 round [raʊnd] атроф, думалоқ
 sitting-room [sɪtɪŋ rʊm] меҳмон-
 хона
 shop [ʃɒp] магазин
 street ['stri:t] кўча
 to show [ʃəʊ] кўрсатмоқ
 such as ['sʌtʃ] шунингдек, яъни
 TV set ['ti:'vi:set] телевизор
 telephone ['telɪfoʊn] телефон

every ['evrɪ] ҳар қайси
 flower ['flaʊə] гул
 flowerbed [bed] гулзор
 free [fri:] бўш
 furniture ['fɜ:nɪtʃə] мебель, жи-
 ҳоз
 gas [gæs] газ
 garden ['dɑ:dn] боғ
 heating [hi:tɪŋ] иситиш
 high [haɪ] баланд
 house [haus] уй
 kitchen [kɪtʃn] ошхона (овқат
 пиширадиган жой)
 low [ləʊ] паст
 magazine [,mæɡə'zi:n] журнал
 office ['ɒfɪs] идора
 only [oʊnli] фақат
 to tell [tel] айтиб бермоқ
 time [taɪm] вақт
 town [taʊn] шаҳар
 very ['veri] жуда
 various ['veəriəs] ҳар хил
 water [wɔ:tə] сув
 work [wɜ:k] иш
 to be busy with банд бўл-
 моқ; to be free бўш бўлмоқ;
 to be right ҳақ бўлмоқ; to be
 wrong ноҳақ бўлмоқ; in the
 middle of ўртасида; in front of
 олдида, қаршисида,

ORAL DRILLS

Намуна асосида машқ қилинг.

Намуна

I have a new flat (flats)
 Tell us about it (them)

1. They have two cars. 2. We have three comfortable rooms.
 3. She has four little children. 4. My sister is an engineer. His friend's
 mother is a doctor. 5. I have much work to do.

We have a new magazine
Show it to us, please.

1. I have a nice picture. 2. I have a good map. 3. I have a new te-
book. 4. We have a modern radio-set. 5. Our TV set is very good.
6. They have a green garden.

Мақолларни ўрганиб олинг.

There is no place like home. Ўз уйингдан яхши жой йўқ.
East or west, home is best. Ўз уйим, ўлан тўшагим.

My Flat

There are many new streets in our city. This is Navoi street. It is a large and broad street. There are many high buildings in it. This is our house. It is not very high. There is a big office and shop in front of our house. There are some plants, a park and a garden in this street. There are many buses and cars in Navoi street.

This is my flat. There are five rooms in my flat. The bedroom and the sitting-room have four large windows, the kitchen and the bathroom have two small windows.

Our dining-room is large. In the middle of it there is a big round table and six chairs. In the corner there is a low table with a TV set on it. There is no radio-set here. The furniture in our room is brown. The floor is brown too. There are some pictures on the walls. There are some flowers on the windows. There is a sofa at the window and a nice carpet on the floor in our sitting room. In the corner there is a low table for newspapers and magazines.

We have many books, textbooks, newspapers and magazines. They are in the bookcase and on the shelves. The bookshelves are on the wall at the sofa.

The houses in this street have all modern conveniences such as central heating, electricity, gas, running water and a telephone.

A DIALOGUE

Ahad: Hallo, Karim!

Karim: Hallo, Ahad!

A.: Karim, have you a new flat?

K.: Yes, I have a four-room flat.

A.: Is it comfortable?

K.: Yes, it is. It is large and very comfortable.

A.: Tell me about it, please.

K.: Our flat is in the new house in Navoi street in Tashkent. It has modern conveniences such as central heating, gas, electricity and running water.

A.: What about your rooms and furniture?

H.: We have a kitchen, a bedroom, a sitting-room and a bathroom. The furniture of our rooms is new.

A.: What is there in front of your house?

H.: There is a garden in front of our house.

A.: Are there any cars and buses in your street?

H.: Yes, there are. There are many people in our street too because ([bɪkɔz] — чунки) it is one of the main streets of the city.

Мў flat текстининг темасидан фойдаланиб, ўз уйингиз ҳақида қисқача текст тузинг.

Exercises

I. Қуйидаги намунадан фойдаланиб, берилган саволларга Yes, you are right. No, you are wrong ибораларини қўлаб жавоб беринг.

There are a hundred magazines on the table.
No, you are wrong. There are only two magazines.
You are very busy today, aren't you?
Yes, you are right.

